

YANG O'ZBEKISTON: 2023


CONFERENCES.UZ

INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

DAVRIYLIGI:
2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF
ETILGAN DNK

Johann Friedrich Mischer



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORVIJ O'LIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH O'ILIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



SENTYABR
№56

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
3-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-3**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-3**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 56-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Nozima Matyoqubova KO'PPARTIYAVIYLIK - DEMOKRATIK PARLAMENTNING ASOSI	7
2. Нозима МАТЁҚУБОВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ - БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИ- ШИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ	9
3. Allanazarov Sirojbek Bekchan o'g'li XORAZM XALQ SOVET RESPUBLIKASIDA XALQ MAORIFI	11
4. Otamuradova Roviyajon O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA ISTIQLOL YILLARIDA TARIXIY-MADANIY MEROSGA E'TIBORNING XALQARO MIQYOSDA E'TIROF ETILISHI	13
5. Ю.Р.Хамдамова ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ.....	16



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

КО’PPARTIYAVIYLIK - DEMOKRATIK PARLAMENTNING ASOSI

Nozima Matyoqubova,
UrDU Tarix kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya. *Ilmiy maqolada O'zbekistonda mustaqillik yillarida siyosiy partiyalarning shakllanishi, rivoji va takomillashuvi jarayonlari tahlil etilgan. Qisqa muddatli tarixiy jarayonda siyosiy partiyalarning parlament demokratiyasini shakllantirishdagi roli kuchaya borib, islohotlarning yetakchi kuchiga aylangan.*

Kalit so'zlar: *siyosiy partiya, parlament, mustaqillik, qonunchilik asoslari, ko'ppartiyaviylik tizimi, huquqiy madaniyat.*

Mustaqillik sharofati bilan O'zbekistonda ham ko'ppartiyaviylik tizimi qaror topdi, turli ijtimoiy tashkilotlar faoliyatiga ruxsat etildi. Bu xususda bir qancha qonunlar qabul qilindi: “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida” (1991 y. 14 iyun. Unga 1996 yilda tuzatish kiritildi); “Jamoat tashkilotlari to'g'risida” (1991 y. 15 fevr.), “Kasaba uyushmalar to'g'risida” (1992 y. 2 iyul); “Siyosiy partiyalar to'g'risida” (1996 y. dekabr).

O'zbekistonda mustaqillik yillarida fuqarolik jamiyatining muhim instituti bo'lgan siyosiy partiyalarning demokratik tamoyillar asosida faoliyat ko'rsatish uchun zarur bo'lgan barcha huquqiy asoslar Konstitutsiya va qonunlarda o'z ifodasini topdi. Jumladan, qonunda siyosiy partiyalar tuzish, ularning faoliyat ko'rsatish printsiplari, partiya a'zolik, siyosiy partiya faoliyatining kafolatlari, ustavi, ro'yxatga olish, partiyalarning mulkiy munosabatlariga doir barcha huquqiy maqomlarining mujassamlashgani O'zbekistonda ko'p partiyaviylik tizimini qaror toptirishning kafolatlaridan biriga aylandi. Mazkur qonunga binoan siyosiy partiyalar fuqarolarning siyosiy qarashlari, irodalari shakllanishini ta'minlash uchun erkinlik huquqiga ega bo'ldilar, partiyalarning o'zaro huquqiy tengligi, shuningdek, ularning jamiyat oldidagi ma'suliyati qonunlashtirildi[1]. Saylovlarni ko'ppartiyaviylik asosida o'tkazish oddiy bir demokratik qadriyatga aylandi. Davlat hokimiyatni shakllantirishda siyosiy partiyalar va jamoat birlashmalarining taklif va istaklarini inobatga olish ham siyosiy hayot tarziga aylanib bormoqda. Ayniqsa, siyosiy partiyalarning fuqarolarning siyosiy jarayonlardagi ishtiroklarini ta'minlash va avj oldirish uchun ham barcha imkoniyatlar va shart-sharoitlar yaratilmoqda.

Ko'ppartiyaviylik - demokratik jamiyat barpo etishning muhim sharti. Demokratik jamiyat qurishga doir islohotlar siyosiy partiyalarning mustaqil tashkilot sifatidagi maqomini oshirishga yo'naltirilgan. 2004 yil dekabrda bo'lgan saylovlarda siyosiy partiyalarga Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatligiga nomzodlar ko'rsatishning to'la huquqlari berilishi, xalq deputatlari kengashlari — vakillik organlaridan esa bu kabi huquqning olib qo'yilishi partiyalarning jamiyatda tutgan o'rnini yanada yuksak ko'tarishga qaratilgandir[2].

Fuqarolik jamiyatini shakllantirish omillaridan biri siyosiy maydonda demokratik mamlakatlarga xos bo'lgan partiyaviylik tizimini qaror toptirishdir. Faqat ko'ppartiyaviylikka asoslangan ijtimoiy-siyosiy munosabatlar majmuasigina fuqarolik jamiyatini qurish uchun qulay shart-sharoitlar yaratadi. Har bir mamlakatdagi davlat, hukumat va parlamentni shakllantirishda siyosiy partiyalarning qanday mavqega egaligi, bu jarayonlardagi ishtirokining qanday kechishi xalqning partiyaviylik tizimi asosida kechgan saylovlardagi faollik darajasi hozirgi davrga kelib demokratiya me'yorlarini belgilab bormoqda.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida fuqarolik jamiyatining muhim instituti bo'lgan siyosiy partiyalarning demokratik tamoyillar asosida faoliyat ko'rsatishi uchun zarur bo'lgan barcha huquqiy asoslar Konstitutsiya va qonunlarda o'z ifodasini topdi. Jumladan, «Siyosiy partiyalar to'g'risida»gi Qonunda siyosiy partiyalar tuzish, ularning faoliyat ko'rsatish printsiplari, partiya a'zolik, siyosiy partiya faoliyatining kafolatlari, ustavi, ro'yxatga olish, partiyalarning



mulkiy munosabatlariga doir barcha huquqiy maqomlarning mujassamlashgani O'zbekistonda ko'ppartiyaviylik tizimini qaror toptirishning kafolatlaridan biriga aylandi. Mazkur qonunlarga binoan siyosiy partiyalar fuqarolarning siyosiy irodalari shakllanishini ta'minlash uchun erkinlik huquqiga ega bo'ldilar, partiyalarning o'zaro huquqiy tengligi, shuningdek, ularning jamiyat oldidagi mas'uliyati qonunlashtirildi[3].

Shuningdek, respublikada ko'p partiyaviylik tizimi qaror topib, saylovlarni ko'ppartiyaviylik asosida o'tkazish oddiy bir demokratik qadriyatga aylandi. Davlat hokimiyatini shakllantirishda siyosiy partiyalar hamda jamoat birlashmalarining taklif va istaklarini inobatga olish ham siyosiy hayot tarziga aylanib bormoqda. Siyosiy partiyalar va fuqarolarning siyosiy jarayonlardagi ishtiroklarini ta'minlash, avj oldirish uchun ham barcha imkoniyatlar, shart-sharoitlar yaratilmoqda.

Adabiyotlar

1. “Siyosiy partiyalar to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni, 26.12.1996 yildagi 337-I-son.
2. Хакимов Р. Давлат хокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. -Т., 2012.
3. “Давлат бошвдрувини янгилаш ва янада демократлашТириш хамда мамлакатни модернизация килишда сиёсий партияярнинг ролини кучайтириш тугрисида”ги Ўзбекистон Респубдикасининг Конституциявий кону ни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й. 4-сон, 161 -модда.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ - БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Нозима МАТЁҚУБОВА,

Урганч давлат университети Тарих кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унда қўзланган тарихий ислохотлар жараёни илмий таҳлилга тортилган. Тўпланган ва тадқиқ этилган манбалар асосида илмий асосланган хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: Тараққиёт стратегияси, ислохотлар, Янги Ўзбекистон, тарихий давр, ривожланиш.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни чоғда Тараққиёт стратегияси ғоя ва мақсади, моҳияти ҳамда аҳамияти давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, умуман, барча юртдошимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Тараққиёт стратегияси Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида қабул қилингани бежиз эмас. Зеро, унда халқимизнинг порлоқ келажаги ҳамда истиқболини белгилаб берган устувор йўналишлар қамраб олинган. Мазкур ҳужжат қабул қилинишидан аввалроқ аҳоли кенг қатлами, чунончи, қонун ижодкорлари, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида қизғин муҳокамалар олиб борилганини айтиш зарур[1].

Муҳокама учун турли ахборот майдонига жойлаштирилган мазкур Стратегия юзасидан юртдошларимиздан кўплаб фикр ва таклифлар келиб тушди. Шу билан бирга, пойтахтимизда медиа-ҳафталик ҳамда халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, уларда қатнашган мутахассис ва экспертлар, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотларнинг, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторлар вакилларининг фикрлари ўрганилди.

Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши хусусида гапирадиган бўлсак, унда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини оширишга доир устувор вазифалар кўзда тутилгани фуқаролар манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тарихий ҳужжат орқали давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайитириш, давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлиги замонавий шакллари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим чора-тадбирлар рўёбга чиқарилишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Булар пировардида давлат идоралари ҳамда халқимиз ўртасида мустақкам кўприк бўлиб хизмат қилади ва юртдошларимизга муносиб турмуш шароити -яратилишини кафолатлайди[2].

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилларда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги ислоҳ этилиб, суд тизими ижро ҳокимияти органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди.

Тараққиёт стратегиясида суд-ҳуқуқ ислохотларини бугунги кун талаби даражасида чуқурлаштириш билан боғлиқ вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Унга кўра, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлайдиган Олий суд кенгаши тузилади ҳамда профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга доир чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бундан ташқари, процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилганки, бу сансалорликларга ҳамда ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига барҳам беради.



Хукукбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибинисақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Қолаверса, 2021-2026 йилларда жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилади[3].

Бутун халқимиз, айниқса, унинг энг фаол қатламига айланиб бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар, шубҳасиз, оилалар фаровонлигини таъминлаш билан бирга, юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Зеро, ушбу вазифаларнинг изчил ижроси мамлакатимизда “Инсон манфаатлари барча нарсадан устун” деган ҳаётий тамойилнинг рўёбини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида қандай воқеалар бўлиб турганидан барчамиз хабардормиз. Нотинч вазият туфайли инсонлар азият чекмоқда. Ана шундай бир шароитда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади, десак, асло янглишмаймиз.

Шу боис бу масала мамлакатимизда доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Тараққиёт стратегиясида унга алоҳида ўрин берилган. Яъни республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор этиш тизимини ташкиллаштириш ҳамда ривожлантириш, Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ва Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган.

Хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқилади, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2023 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ҳамда молиявий-техник ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар ҳам амалга оширилади.

Ушбу омиллар мамлакатимизнинг янада раванқ топиши ҳамда юртдошларимизнинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришида муҳим ўрин тутишини айтиб ўтиш жоиз. Умуман олганда, Тараққиёт стратегияси белгилаб берилган устувор вазифалар инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароитларни яратиш беришга қаратилган бўлиб, уларнинг изчил ижроси бизни олдимизга қўйган улуғ мақсад — порлоқ келажак сари янада яқинлаштиради.

Адабиётлар

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

2. Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар // https://strategy.uz/index.php?static=vypolnenie_gosprogrammy

3. Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари. ЎЗР Олий Мажлисига мурожаатнома.



XORAZM XALQ SOVET RESPUBLIKASIDA XALQ MAORIFI

Allanazarov Sirojbek Bekchan o'g'li
Urganch davlat universiteti 2-bosqich magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada 1920-1924 yillarda Xorazmda maorif va madaniyat sohasida olib borilgan ishlarning tarixiy tahlili keltirgan. Shuningdek, maqolada o'lkadagi maorif sohasidagi kadrlar masalasi ham tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: Xiva xonligi, maorif, ta'lim, madrasa, qo'mita, Nozirlar Kengashi, qurultoy.

Xiva xonligi ag'darilgach, uning o'rniga muvaqqat inqilobiy hukumat tuzildi va u kundalik muhim masalalarni hal qilib bordi. 1920-yilning 9-aprel kuni XXSRda nozirliklar tuzilib, uning tarkibiga “Yosh xivaliklar”ning ko'zga ko'ringan vakillari kiritilgan edi. Xususan Mulla Bekchon Rahmonov Xalq madaniyati va maorifi noziri etib tayinlanadi.¹

Xiva xonligi ag'darilganidan keyin sovet hukumati o'lkaning boshqa hududlari singari Xorazmda ham madaniy qayta qurish siyosatini amalga oshirishga kirishadi. Ta'lim sohasida kommunistik mafkuraning maqsad-manfaatlari asosida xalqning ilm-fan va ma'rifatga bo'lgan intilishi siyosiy manfaatlar tomon yo'naltirilgan. Xalq ta'limi kommunistik mafkura manfaatlariga xizmat qilishi uchun butun imkoniyatlar ko'rib, maktablarda siyosiy tarbiyani yo'lga qo'yishga va uni takomillashtirib borishga alohida e'tibor qaratilgan.

Qurultoygacha bo'lgan davrda Xorazm o'lkasida 8 ta maktab, o'qituvchilar kursi, siyosiy maktab, Maorif uyi, namunali bolalar bog'chasi, qariyalar uyi, tug'ruqxona, “Inqilob quyoshi” gazetasi va boshqalar tuzildi. Bu maorif va madaniyatni rivojlantirishda chor Rossiyasining yarim asrdan ko'proq xukumronligi amalga oshirilgan ishlardan ko'p edi.²

1920-yilning bahorida Xivada maorif va madaniyat nozirligi tashkil etilib, unga “Yosh xivaliklar”ning ko'zga ko'ringan vakillaridan biri Mulla Bekchon Raxmonov rahbar etib tayinlangan.³ Shuningdek, unga Xiva muvaqqat inqilobiy hukumatining 1920-yil 11-apreldagi farmoni bilan o'tmishdagi va shu davrdagi Xiva xalqining madaniyatiga oid barcha narsalarni kelgusi avlodlarga saqlab qolish va ko'rsatish maqsadida tashkil etilgan Xalq muzeyiga rahbarlik qilish ham yuklatiladi.⁴ Mulla Bekchon Raxmonov Turkkommissiya a'zosi Broydo hamda Karim Qori Niyoziyalar bilan birgalikda Xivadagi yetim bolalar uchun xonning xaram saroyida bolalar uyini ochadilar.⁵

Nozirlik oldiga Xorazm aholisini savodli qilish borasida bir qancha vazifalar qo'yilishiga qaramasdan moddiy mablag' va yetarlicha kadrlarning yetishmasligi bu borada bir qator qiyinchiliklarni yuzaga keltiradi. Bundan tashqari reakson ruxdagi mahalliy ruhoniylarning qarshiliklari ham ishlarni murakkablashishiga olib kelgan. Shunday bir sharoitda hukumat boylarning hovlilaridan, eski maktab va madrasa binolaridan, progressiv kayfiyatdagi muallimlardan ham foydalanishga to'g'ri keldi. Masalan 1921 yilda eski maktab xodimlaridan 16 nafari yangi maktablarda muallimlik qildi.⁶

Xorazm xalq sovet Respublikasi tuzilganidan keyin 15 kishidan iborat Xalq nozirlar Kengashi tuzildi.⁷ Maorif nozirligiga yana Mulla Bekchon Rahmonov saylandi.⁸ Biroq keyinchalik boshqa ishga o'tishi munosabati bilan uning o'rniga Karimqori Niyozov saylandi. Mulla Bekchon Rahmonov 1887 yilda Xiva shahrida tug'ilgan bo'lib, 1913-1918 yillarda Turkiyaning Istanbul shahridagi seminariyada o'qidi. Bu oliy musulmon universiteti bo'lib, u ko'pgina tillarni, diniy va dunyoviy bilimlarni o'rgatar edi. Mulla Bekchon Rahmonov 1920 yilning 8 martida tashkil etilgan

1 ЎзМДА, Р-71 фонд, 1 рўйхат, 1 дело, 4-11 varaqlar.

2 Matkarimov. M.M. Xorazm Respublikasi: davlat tuziliши, nozirлари va iktisodi. Urganch: 1993. – B. 16.

3 Xorazm tarixi. 1-jild. Mualliflar jamoasi. Mas'ul muharrir M.Matniёзов. - Urganch.: 1997. B. 60.

4 Matkarimov M.M. Xorazm Respublikasi: davlat tuziliши, nozirлари va iktisodi. Urganch: 1993. - B. 16.

5 Юсупов. П. Ёш хиваликлар тарихи(хотиралар). Urganch: Xorazm нашриёти, 1999. B. 212.

6 Xorazm tarixi. 1-jild. Mualliflar jamoasi. Mas'ul muharrir M.Matniёзов. - Urganch.: 1997. B. 61.

7 Иноятов Х.Ш. Революционно-демократические и социалистические преобразования в ХНСР // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №2. 1970. – Б.36.

8 Худайберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. Т.: 2012. – Б. 309.



“Inqilob quyoshi” gazetasining birinchi muhariri ham bo‘lgan. Shuningdek, o‘sha davrda tashkil qilingan “Qizil Xorazm”, “Maorif” singari jurnallar, “Xorazm xabarlar”, “Yordam”, “Qizil yoshlar ovozi”, “Ishchilar tovushi”, “Qopqon” singari gazetalarning g‘oyaviy-siyosiy rahbari bo‘lgan. 1923 yilda Nazir Sholikorov bilan birgalikda Buxoro sovet Respublikasi bilan shartnoma tuzishga ham rahbarlik qilgan. 1921-yilning 6-martida va 1921-yilning 27-noyabrda o‘lkada amalga oshirilgan davlat to‘ntarishida Mulla Bekchon Rahmonov badnom qilindi. 1925-1926-yillarda Xorazm xalq maorif mudiri sifatida ishladi. Biroq 1929 yilda kemada no‘malum shaxslar tomonidan urib o‘ldiriladi.

Xorazmda xonlik tuzimi ag‘darilib, sovet tuzumi o‘rnatilayotgan bir jarayonda mehnatkash aholi savodsizligining pastligi yangi hukumat tarkibining shakllanishida katta rol o‘ynadi. Hukumat tarkibiga ishchi va dehqonlardan bironta ham vakil saylanmagan.¹

1920-yilning o‘rtalarida o‘lkaning 8 ta tumanida komsomol komitetlari va 25 ta komsomol yacheykalari tuzildi. Komsomollar soni 500 kishiga yetdi. 1920 yil may oyida Xorazm Kommunistik partiyasining 1-konferensiyasi bo‘lib o‘tdi. Xorazm Kommunistik partiyasi o‘sha paytdagi 600 a‘zodan iborat bo‘lib, 22 yacheykaga bo‘lingan. Dehqon komitetlari qishloq va ovullarda partiyaning asosiy tayanchiga aylandi. Konferensiya respublikani bosqichma-bosqich sotsialistik o‘zgartirish uchun sharoitlarni tayyorlash uchun partiya va mahalliy Sovet hokimiyati oldiga inqilobiy-demokratik o‘zgarishlarni amalga oshirish vazifasini qo‘ydi. Olimjon Akuchurin raisligida partiya Markaziy Komiteti saylandi.²

Xorazm ma‘rifatparvarlari o‘lkaning barcha sohalarini isloh etishga, xalqni savodli qilishga urinishlari sovet rahbariyati tomonidan doimiy ravishda ta‘qib qilingan. Buni o‘lka boshqaruvidagi rahbar kadrlarning doimiy ravishda almashtirilganida ko‘rish mumkin.

1 Кўшчонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аснинг иккинчи ярми – XX аср биринчи чорраги). Т.: 2007. Б. 322.

2 История Хорезмской народной советской республики. Сборник документов. Фан, Ўзбекистон. 1976. – Б.7-8.



О‘ЗBEKISTON RESPUBLIKASIDA ISTIQLOL YILLARIDA TARIXIY-MADANIY MEROSGA E‘TIBORNING XALQARO MIQYOSDA E‘TIROF ETILISHI

Otamuradova RoviyaJon

UrDU Tarix kafedrasida katta o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada xalqaro e‘tirof etilgan tashkilotlarning madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish yo‘lidagi dolzarb muammolar ustida olib borilayotgan ishlari to‘g‘risida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: tarixiy-madaniy merosi, xalqaro miqyosda arxeologik tadqiqotlar, xalqaro tashkilotlar, amaliy san‘at va hunarmandchilik.

Kirish. Mustaqillikning dastlabki yillarida milliy o‘zligini anglash, asrlar mobaynida to‘plangan qadriyatlarini qaytadan tiklash, umumbashariy taraqqiyotga turtki bo‘ladigan jiddiy o‘zgarishlar yuz bera boshladi. Shuningdek, O‘zbekistonning xolis va haqqoniy tarixini yaratish va yangi tadqiqotlarga mo‘ljallab ish qilish uchun imkoniyatlar paydo bo‘ldi.

“Moddiy madaniy meros ob‘ektlarining muhofaza qilinishi kuchaytirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunga binoan Umumjahon merosi ro‘yxatiga kiritilgan hududlarga taalluqli javobgarlik belgilandi.

Mamlakatimizning moddiy va nomoddiy madaniy meros ob‘ektlarini muhofaza qilish ko‘lami yil sayin kuchayib bormoqda. Xususan, Prezidentimizning 2018 yil 19 dekabrda “Moddiy madaniy meros ob‘ektlarini muhofaza qilish sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish choratadbirlari to‘g‘risida” qarori bilan bu faoliyat qonuniy jihatdan yanada mustahkamlandi.

Asosiy kism. O‘zbekistonda 4 ta me‘moriy majmua – Xiva, Buxoro, Samarqand va Shahrisabz shaharlarining tarixiy markazlari YuNESKO Umumjahon madaniy merosi ro‘yxatiga kiritilgan. Xiva, Buxoro, Samarqand kabi O‘zbekistonning tarixiy shaharlari ilm-fan, madaniyat, san‘at rivojlangan markazlar sifatida jahonga ma‘lum bo‘lgan. Bu shaharlar me‘morchilik obidalarini “Umuminsoniy qadriyatlar” ro‘yxatiga kiritilganligi, ularning dunyo ahamiyatiga molikligi tan olinganligidan dalolatdir. Bu joylarda rejalashtirilgan qurilish va obodonlashtirish ishlari Madaniy meros departamenti hamda YuNESKOning Umumjahon merosi markazi bilan kelishilgan holda amalga oshirildi. Biroq, XX asr 90-yillarning o‘rtalariga qadar Markaziy Osiyo, jumladan, O‘zbekistonning tarixiy-madaniy merosiga e‘tibor jahon miqyosida ko‘p jihatdan chetlashgan edi. 1995-yilda BMTning ta‘lim, fan va madaniyat masalalari bo‘yicha ixtisoslashgan tashkiloti – YUNESKO tomonidan chop etilgan “Markaziy Osiyo sivilizatsiyasi tarixi” nomli kitobida, xususan, ushbu holat qayd etildi¹.

Aynan, shu yili YUNESKO Bosh konferensiyasining “Ipak yo‘lining o‘rganishda intellektual hamkorlik uchun institutlar tarmog‘ini tashkil etishni jadallashtirish” qaroriga muvofiq Samarqand shahrida Markaziy Osiyoni tadqiq etish xalqaro instituti tashkil etilib, mintaqa sivilizatsiyasi yodgorliklarini o‘rganish, tiklash va targ‘ib qilish ishlarida hamkorlikni yo‘lga qo‘yish dolzarb vazifaga aylandi².

Xiva shahrining jahon madaniyati taraqqiyotida tutgan o‘rnini hisobga olgan holda, 1995-yili YUNESKO Bosh konferensiyasida Xiva shahrining 2500 yilligini dunyo miqyosida keng nishonlash haqidagi qarorga kelindi. Shu munosabat bilan Tosh hovli, Ko‘hna Ark, Feruz va Olloqulixon madrasalari, hamda Juma masjidida ta‘mirlandi. Turistlar oqimining o‘sishi sababli, YUNESKO tashkiloti bilan hamkorlikda Ichan qal‘aning ba‘zi tarixiy obidalarida ipak gilamlar va so‘zanalar to‘qish hunarmandchilik markazlari ochildi³. Mustaqillik yillarida Rossiya Federatsiyasi muzeylari va institutlari bilan hamkorlikda madaniy merosni arxeologik va etnologiya yo‘nalishlarida tadqiq etish davom etdi. Mazkur hamkorlik an‘anaviy bo‘lib, o‘z paytida Xorazm arxeologik-etnografik ekspeditsiyasi izlanishlariga mahalliy tadqiqotchilar maqsadli jalb etilgan va ulardan malakali

1 *Histori of Civilization of Central Asia. Vol. II. – Paris f: UNESCO Pablihid, 1995. – Pp 5.*

2 *Histori of Civilization... Pp. 76.*

3 *Холов Ю. В. Ўзбекистонда туризм соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг Хоразм воҳаси туризм тараққиётидаги ўрни // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент – Урганч, 2018. – Б. 171.*



ilmiy kadrlar tayyorlangan¹.

Shuningdek, BMT yordamida hunarmandchilik mahsulotlari yarmarkasi o‘tkazildi. BMTning “Madaniy – ma’rifiy turizm va hunarlarni rivojlantirish” loyihasi hamda Kaunterpart Konsorsium huzuridagi “Hunarmandlarga yordam” loyihasi bo‘yicha katta ishlar amalga oshirilib, tadqiqotchilarning yozishicha, yuqorida qayd etilgan hamkorlik Xorazmda amaliy san’at sohalari – koshinkorlik, ganch va yog‘och o‘ymakorligi, miniatyura san’ati va loy o‘yinchoqlar yasash tiklanishiga va ishqorli sir, o‘simliklar kulidan bo‘yoq tayyorlash usulining qayta kashf etilishiga ko‘maklashdi².

Takidlash lozimki, mustaqillik yillarida O‘zbekistonning qadimshunoslari Avstraliya, AQSh, Xitoy, Germaniya, Italiya, Fransiya, Rossiya, Yaponiya, Polsha, Chexiya kabi mamlakatlarning ilmiy markazlari bilan shartnomalar tuzib, xorijiy olimlari bilan hamkorlikda, xalqaro miqyosda arxeologik tadqiqotlar olib borishdi³. O‘zbekiston mustaqillikka erishganidan buyon mamlakatda nafaqat yodgorliklarni tiklash ishlari orqali madaniy merosni saqlashga, balki milliy o‘ziga xoslikni mustahkamlashga va jahon madaniyatida tan olinishga ham katta e’tibor qaratilmoqda.

Keyingi paytlarda O‘zbekiston hududidagi noyob madaniy meros ob’ektlarini muhofaza qilish, tarixiy shaharlarning bosh loyihasi va menejment rejasini YuNESKO xalqaro standartlari hamda talablariga muvofiq ishlab chiqishga xalqaro ekspertlar ham keng jalb etilgan.

YuNESKO bilan yaqin hamkorlikda moddiy va nomoddiy meros ob’ektlarini asrashga doir turli xalqaro anjumanlar tashkil qilinyapti. Mazkur tadbirlar madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish yo‘lidagi dolzarb muammolarni ko‘rib chiqish, xalqaro tajribani o‘rganish, tarixiy-madaniy merosni saqlashga doir milliy tizimni takomillashtirish, bu yo‘nalishdagi davlat va nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlarini aniqlash imkonini beradi.⁴ O‘zbekistonda Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk ob’ektlari Milliy ro‘yxati Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 4 oktabrda qabul qilingan 846-son qarori bilan tasdiqlangan. Respublika bo‘yicha jami 8 ming 208 ta moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk ob’ekti mavjud bo‘lib, shundan 4 ming 748 tasi arxeologiya, 2 ming 250 tasi arxitektura, 678 tasi esa monumental san’at yodgorligi, 532 tasi diqqatga sazovor joylardir. Milliy ro‘yxatga kiritilgan ob’ektlarga nisbatan garov va ipoteka qo‘llanilishi mumkin emas (xususiyl mulk hisoblangan moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk ob’ektlari bundan mustasno)⁵.

Rejalashtirilgan qurilish va obodonlashtirish ishlarining loyihalari YuNESKOning Umumjahon merosi markazi bilan kelishilgan holda amalga oshirilmoqda. Masalan, 2020 yilda 11 ta loyiha Umumjahon merosi markaziga yuborilgan. Sentabr oyida Buxoro shahar tarixiy markazida qurilishi va ta’mirilanishi rejalashtirilgan ob’ekt loyihasi esa Umumjahon merosi markazining ijobiy xulosasini oldi.

Joriy yilning aprel oyida Buyuk Britaniya muzeyi bilan artefaktlarning olib chiqib ketilishi kontrabandasining oldini olish bo‘yicha o‘tkazilgan seminar-trening o‘tkazildi. Unda chegarada ushlab qolingani va musodara etilayotgan artefaktlar va madaniy meros ashyolarini aniqlash hamda rasmiylashtirish bo‘yicha jahon tajribasi bo‘yicha mutassadilar bilan fikr almashildi. Shuningdek, muzeyga tashrif buyuruvchilar sonini oshirish, innavatsion vositalardan keng foydalanish, kadrlar salohiyatini oshirish masalalari yuzasidan ma’ruzalar tinglandi.

Madaniy meros agentligida arxeologik tadqiqotga ham alohida ahamiyat berilib, jumladan, 60 dan ortiq arxeologik tadqiqot ishlarining 15 tasi Angliya, AQSh, Germaniya, Rossiya, Fransiya, Xitoy, Yaponiya kabi mamlakatlarning yetuk olimlari ishtirokida amalga oshirilmoqda.

Xulosa. Mustaqillik yillarida ba’zi bir hunarmandchilik sohalari xorijiy mamlakatlaridan (Turkiya, Xitoy, Rossiya) sarmoya kiritilishi natijasida, zamonaviy texnologiyalar asosida

1 Kamalov S.K. *S.P.Толстов и становление исторической науки в Каракалпакстане // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Изд.Восточная литература, 1998. – С. 20-21.*

2 Абдуллаев М. С. *Мустақиллик йилларида Хоразм амалий санъатининг тикланиш жараёнлари // Биринчи Президент И. А. Каримов даврида Ўзбекистонда тарих фанининг юксалиши. – Самарқанд, 2018. – Б. 34-38.*

3 Бердимуродов А.Э. *Мустақиллик йилларида ўзбек археологиясининг тараққиёти // Ўзбекистон археологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва истиқболлар. – Самарқанд, 2016. – Б. 3-4.*

4 *Маданий мерос агентлиги ходими.2020 «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари тахририяти» ДУК*

5 *Маданий мерос агентлиги ходими.2020 «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари тахририяти» ДУК*



sanoatlashtirildi. Biroq, tadqiqotchilarning qayd etishicha, fabrikalarda tayyorlangan gilamlarda odatda 152 mingtagacha turli bezaklar bo'lsa, an'anaviy Xiva gilamlarida bezaklarning soni 900 mingtagacha yetgan¹. Shu sababli, uy sharoitida an'anaviy uslubda gilam to'qish katta ahamiyat kasb etib, Xorazmda gilamdo'zlik hunarmandchilik sohasini kengroq yo'lga qo'yish va xorijiy loyihalar hamda sarmoyalar asosida shahar va tumanlarda rivojlantirish, shu amaliy san'at turning sirlarini saqlab qolishga xizmat qiladi.

Madaniy meros departamentining Turizm va sport vazirligi tasarrufiga o'tkazilib, Madaniy meros agentligiga aylantirilishi uning vakolatlarini yanada kengaytirdi. Jumladan, endilikda madaniy meros ob'ektlariga faqat qo'riqlanuvchi hamda muhofaza qilinuvchi inshoot emas, balki mamlakatning moddiy imkoniyatini kengaytiruvchi, ichki hamda tashqi turizmini rivojlantirishga xizmat qiluvchi imkoniyat sifatida qaralmoqda.

¹ Давлатова С.Т. Мустақиллик йилларида Хоразм анъанавий ҳунармандчилигининг ривожланиши босқичлари // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент – Урганч, 2018. – Б. 279-280.



ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ

Ю.Р.Хамдамова,
Хоразм вилояти ИИБ ходими

Аннотация: Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилоятида ички ишлар органларининг фаолияти ва жангоҳларда милиция ходимларининг иштироки таҳлил этилган.

Калит сўзлар: иккинчи жаҳон уруши, милиция ходимлари, Хоразм вилояти, интизом, Йўлдош Бобожонов.

1939 йилда бошланган иккинчи жаҳон уруши тобора зиддиятлар ва геополитик назария, амалиётга кўра кенгайиб 1941 йил 22 июнда уруш собиқ иттифоқ худудида ҳам бошланди. Табиийки, иттифоқ таркибидаги социалистик республикалар каби бошланган уруш Ўзбекистон халқи учун ҳам катта фалокат бўлиб ёғилди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига милиция ходимларининг жасорати олтин ҳарфлар билан ёзилди. Хоразм вилоят милицияси сафларида хизмат қилаётган ходимларининг аксарият қисми кўнгилли равишда фронтга отланди. Уларнинг ўрнини аёллар ва урушда ярадор бўлиб қайтган жангчилар эгаллади. Иккинчи жаҳон урушида Хоразм вилоятидан 155 нафар милиция ходими жангларда қатнашиб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Урушдан омон қайтганлари эса милиция сафларида хизматни давом қилдирдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органларига юклатилган вазифалар ҳажми доимий равишда янада ортиб бориб, Ўзбекистон милициясига ҳам янги махсус топшириқлар берилди. Жумладан, халқ хўжалиги объектларини кўриқлаш, ҳарбий юкларни талон-тарож қилишнинг олдини олиш, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат карточкалари олди-сотдисини назорат қилиш, болаларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигига қарши кураш олиб бориш, яқинлари билан алоқа узилган кишиларга уларни топишда амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқа шу каби вазифалар юклатилди.

1939 йил 15 сентябрда ВКП(б) Марказий Комитети иттифоқ ИИХК милиция Бош бошқармасининг сиёсий бўлими тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Сиёсий бўлимлар милиция органлари раҳбарияти билан биргаликда шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, қонунчиликка қатъий амал қилиш, ходимларнинг хушёрлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига эътиборли бўлишга йўналтирилган сиёсий тарбиявий ишларни мунтазам олиб бора бошладилар. Милиция органлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг жамоа хўжаликлари, корхоналар ва муассасаларда ҳисобот бериб бориши эса милиция ва аҳоли ўртасидаги алоқани мустаҳкамлади, органнинг обрўсини оширди.

1941 йил 20 июнда СССР Олий Совети Президиуми Иттифоқ Давлат хавфсизлиги халқ комиссарияти ва Иттифоқ Ички ишлар халқ комиссариятини бирлаштириб, ягона Иттифоқ Ички ишлар халқ комиссариятига айлантириш тўғрисида Фармон қабул қилди. Бу душман агентураси ва жинойтчиликка қарши курашни бир идора ихтиёрига тўплаб жамоат тартибини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ишини янада мустаҳкамлаш мақсадида қилинганди. Шу билан милициянинг вазифалари ва ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайди. Ҳамма жойда бўлгани каби Хоразмда ҳам милициянинг асосий бўлинмалари, айниқса, ташқи хизмат (патрул-пост) ва ДАНнинг иш услубини ўзгартиш бўйича кўп ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

1941 йилда ДАН ходимларининг сони 2 нафарга ортди. Шу йилида ДАН хизматида бўлинма мақоми берилди ва унга Ички ишлар халқ комиссари давлат хавфсизлиги капитани Йўлдош Бобожоновнинг 1941 йил 30 апрелдаги 214-сонлиги буйруғига асосан сержант С.Росшупкин бошлиқ қилиб тайинланган¹.

Уруш йилларида ДАН хизматида милиция старшинаси Рўзим Бекчанов, лейтенантлар Валентин Карташев, Виктор Карпов ва унвонсиз Головин деган ходимлар ишладилар.

1 Хоразм вилояти ИИБ жорий архиви маълумотлари. Урганч, 2022.



Урушнинг дастлабки йилларида, яъни 1939-1941 йилларда Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида Қурбон Рўзметов фаолият кўрсатган. Унинг раҳбарлиги даврида ички ишлар тизимига маҳаллий иқтидоли ёшлар жалб этилди¹.

Урушнинг дастлабки ойларида милиция ходимлари ҳам кўнгилли равишда фронтга кета бошладилар. Биринчилар қатори фронтга отланган милиция ходимлари Янгиариқ райони ички ишлар бўлими ходими Рўзмат Яқубов, Янгибозор райони ички ишлар бўлиmidан участка вакили Қодир Саиджоновлар озодлик учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. ДАН ходимлари, Валентин Арустанов, Василий Карпов, Вера Башкова, шунингдек, ИИХК милиция бошқармаси ва шаҳар, туманларда турли лавозимларда хизмат қилган ва урушда қатнашиб яна милиция сафига қайтган Худайберган Авазов, Қурамбой Қутлимурадов, Очил Абдукаримов, Сагит Каримов, Самандар Каримов, Машариф Юсупов, Ахнаф Саматов, Иннокентий Коряковский, Тўра Эшчонов, Иван Лесних, фронтдан қайтгандан кейин милицияга хизматга кирган Қурбонбой (хужжатида Қурбон) Очилов, Рахим Қурбанов, Назар Мадрахимов, Ҳасанбой Ҳожиматов, Рўзимбой Бекчанов, Курол Султонов, Рахим Юсупов, Каримбой Худайберганов, Қутлимурад Юлдашев ва бошқа милиция ходимлари жанглардаги жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Уруш тугагач Хоразмлик 41 нафар фронтчи-жангчилар юртига қайтиб ички ишлар органларига хизматга кирдилар. Афсуски, кўплаб урушга отланган ходимлар ҳалок бўлишган ёки оғир ярадорлик туфайли милицияда ўз хизматини давом қилдира олмадилар. Урушдан қайтиб келиб Хоразм милицияси сафида садоқат билан хизматини яна давом эттирган инсонлар орасида маълум бир вақт Хивада касбий фаолиятини давом этдирган ходимлар бор эди. Хивада дастлаб милиция шаклланган йиллари ишга кирган фидойилардан Маткарим Содиқов ва Машарип Ибрагимовлар уруш бошлангандан кўнгилли бўлиб фронтга кетишди².

Уруш йиллари жанггоҳларда пулемётчилар ротасига командирлик қилган капитан Ҳасан Ҳожиматов 7 йил давомида ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, 1951-1973-йилларда вилоят ИИБ ва Шовот туман милициясида турли лавозимларда ишлади.

Хоразмлик 41 нафар фронтчи-жангчилар юртига қайтиб, ички ишлар органларига хизматга кирдилар. Урушдан қайтиб келиб, Хоразм милицияси сафида садоқат билан хизматини яна давом эттирган инсонлар сафида старшина Тўра Эшчонов, полковник Шермат Ортиқов, майорлар Самандар Каримов ва Худойберган Авазовлар ҳам бор эди.

1945 йилнинг охирида СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги номи СССР Ички ишлар министрлиги деб ўзгартирилди. Ўзбекистон ССРда республика ички ишлар министрлиги, вилоят ва районларда ички ишлар бошқарма ва бўлимлари ташкил этилди. 1945 йил 21 ноябрда ички ишлар соҳасида Хоразмдан чиққан биринчи генерал шу даврда давлат хавфсизлиги капитани Йўлдош Бобожонов Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри қилиб тайинланган.

1 Тажиев К., Матякубов М. Осойишталик йўлида бир аср. Т.: Азмин нашр принт, 2022. – Б. 31.

2 Хива: фахр ва матонат. (Хива тумани ИИБ ўтмиши ва бугунги фаолияти). Хива, 2023. – Б. 44.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000